

ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2002 йил, 21 февраль, пайшанба № 23 (1599).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Соғувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 21 февраля, 2002 г. № 23 (1599).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабуллар

Узбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 19 февраль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Штаб бошлиқлари билан қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.

Сўнги вақтларда Узбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустақамланиб бораётир. Мамлакатимизга АҚШдан кўплаб делегациялар келиб-кетаятгани бунинг бир тасдиғидир.

— Ташрифингиз АҚШда Узбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганининг яна бир далолати деб биламиз. — деди давлатимиз раҳбари. — Уйлайманки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан-да ривож топиб бораверади.

Узбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил кенгайиб бормоқда. Ҳозирга қадар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларни қамраб олган қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳамкорлигимиз ривожини сиёсий, савдо-иқтисодий, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича ях-

ши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Узбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг ҳарбий ўқув юрғларида малака ошириб қайтмоқда. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар ривожини хусусан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислоҳ Каримов Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасни ҳам қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бу меҳмон билан узоқ йиллик қадрдон дўстдир. Ислоҳ Каримов 1995 йили Литвага бориб, ўша кезлари президент лавозимини эгаллаб турган А. Бразаускас билан кенг қамровли музокаралар ўтказган ва ўзаро муносабатларини ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ҳужжатларга имзо чеккан эди. 1997 йили А. Бразаускас жавоб ташрифи билан Узбекистонда меҳмон бўлди.

— Биз сизни ажойиб инсон сифатида ҳурмат қиламиз, — деди Ислоҳ Каримов учрашувда. — Сиздек қатъиятли, вазмин, ўзига ишонган доно раҳбар билан учрашиб турганимдан гоёт мамнунман.

Узбекистон — Литва муносабатларининг йигирмадан зиёд ҳужжатларга ҳужжатдан иборат мустақам ҳуқуқий пойдевори бор. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўттизга яқин Узбекистон — Литва қўшма корхонаси ишляпти. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.

А. Бразаускасининг ушбу ташрифи асносида ҳам бир неча икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилди. Томирлар саноат, ички ишлар, фан-техника борасида ва маданий-маърифий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга. Тошкентда литваликларнинг миллий-маданий маркази ишлаб турибди. Айни пайтда эса Вильнюс ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбек маданияти маркази фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!



Қишки ўқув мавсумининг барча машғулотларида юқори натижаларга эришиб келаятган посбонлардан бири — шартнома бўйича хизмат сержанти Содиқжон Бекназаровдир. Фидойи ва уқувли ҳайдовчи-жангчи хизматда ўрнак кўрсатиш билан бирга, ўз биланларини сафдошларига ўргатишдан чарчамайди.

Н. ЮСУПОВ суратга олган.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Қуролли Кучлари Штаб бошлиқлари билан қўмитаси раиси генерал Ричард Майерс бошчилигидаги делегация аъзолари Узбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Фуломов билан учрашди.

Ўзаро мулоқот чоғида Узбекистон билан АҚШнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама этилди. Айтиш жоиз-

ки, бу жабҳадаги алоқалар самарали кечмоқда. Айниқса, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узбекистон Халқаро ҳарбий таълим ва машғулотлар (ИМЕТ) дастурида фаол иштирок этаётир. АҚШнинг ҳарбий ўқув даргоҳларида узбекистонлик ҳарбийлар ҳам малака ошириб қайтмоқда. Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати хаба-

рига кўра, 2002 йилда ҳам бир гуруҳ ҳарбийларимизнинг АҚШ Қуролли Кучларининг ҳарбий академияларида таҳсил олиб қайтиши режалаштирилган.

Сухбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

(ЎзА).

МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

«Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилгани даркор, яъни Қуролли Кучларимизга замон уларнинг олдида қўйётган ҳар қандай вазифанинг бажаришга муносиб бўлиши».

(Узбекистон Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан).

Ўзимизга савол бериб кўрайлик: хўш, бугун Қуролли Кучларимиздан замон нимани талаб қиляпти?

Жавоб маълум: энг аввало ҳушёрликни. Шахсий таркиб кечаси ҳам, кундузи ҳам сергак бўлиши зарур. Сергаклик бу — ҳушёрликдир. Обҳавонинг аҳамияти йўқ — иссиқми, совуқми, бир он, бир дақиқа сергаклик қўлдан берилмаслиги шарт. Ватан ҳимоячиси ўз хизмат бурчини ўтаётганини ёки бўш вақтда одамлар орасида юрибдими, фарқсиз, бепарво бўлишга асло ҳаққи йўқ.

Унутмаслик керак, мустақиллигимизни кўролмаётган, ютуқларимиздан ҳасад қилиб куйиб-ёнаётган, тинч ҳаётимизга путур етказмоқчи бўлаётган кимсалар сал бўлса-да, чалғишимизга кўз тикиб ўтиришибди. Имкон берсак, улар ҳар қандай вақт, ҳар қандай шароитда обғимиздан чалишга таяёр туришибди. Бизни, иложини топишса сўзи билан, иложини топишмаса, ўқи билан маҳв эттишмоқчи бўлишди.

Халқимиз: «Ватан посбонлари — тинчлигимиз кўриқчилари», дейди ишонч билан. Вазифа: ана шу ишончга муносиб бўлишлик!

Ватан ҳимоячиси тўғрисида гап кетганда, албатта, жанговар шайлик масаласи олдинга қалқиб чиқади. Маълумки, жанговар шайлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Жанговар шайлик талаб қиладиган энг биринчи жиҳат, бу — посбоннинг саломатлиғидир. Чунки, соғлом

(Давоми 2-бетда).

САЙЁРАМИЗ



ВАШИНГТОН. Хитой АҚШга душман эмас, бироқ стратегик ҳамкор ҳам эмас, деди АҚШ мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари По Вулфовиц. У Хитой — АҚШ муносабатларига тўхталар экан, оммавий қирғин қуроли ва ракета технологияларини тарқатмаслик борасида келишмовчиликлар борлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Пентагон вакили АҚШ келгусида ҳам Тайванга мудофаа мақсадлари учун замонавий қурол-яроғ етказиб бераверишини таъкидлади.

ТОКИО. Япония ташқи ишлар вазири Иорико Кавагути ўз мамлакатни КХДР ҳамда Эрон билан алоқа-

ларни давом эттираганини маълум қилди. Ушбу давлатлар яқинда АҚШнинг жиддий таъқидига учраганди. Вазир расмий Токио КХДР билан кўнгина соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириши ҳамда Эронда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

БУЭНОС-АЙРЕС. Жанубий Америка умумий бозори — МЕРКОСУРга аъзо давлатлар раҳбарлари Аргентинадаги иқтисодий инқирозни бартараф этиш тарафдори эканини маълум қилди. Улар йирик халқаро молия ташкилотларини Аргентинага ёрдам кўрсатишга чақирди. Бразилия, Боливия, Уругвай, Парагвай ҳамда Чили президентлари томонидан қабул қилинган декларацияда шу даъват алоҳида қайд этилди.

ТЕЛ-АВИВ. Сешанба куни фаластинлик жангарилар яна бир кўпуровчиликни амалга оширди. Хабарларга кўра, улар Газа минтақасида яҳудийларга ўқ узган.

Отишмада уч киши қурбон бўлган ва тўрт киши яраланган.

ТВИЛИСИ. Грузия хавфсизлик хизмати вазири Валерий Хабурзания Усома бин Лодиннинг Панкис дарёсида яшириниб ётгани ҳақидаги хабарни инкор этди. Шунингдек, у мазкур дарада Грузия — Америка ёки Грузия — Россия махсус операцияси ўтказилиши тўғрисидаги тахминларни ҳам рад этди. Бу борада Грузия фақат техникавий ёрдамни қабул қилиши мумкин, деди у.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги халқаро аэропортда самолётга портловчи мослама олиб ўтишга уринган кимса қўлга олинди. Мутахассислар мослама зарарсиз эканини аниқлади. Шу боис аэропорт хизматчилари йўловчиларни хавфсиз жойга, кўчириб ўтирмади.

(ЎзА).

МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боли 1-бетда).

посбонгина ҳар қандай жисмоний чинқинларга бардош бера олади. Бардошнинг ҳосил қилиш йўли битта: жисмоний машқлар. Пухта режа асосида амалга ошириладиган жисмоний машқлар посбоннинг продасини тоблайди.

Лекин шу нарсага унутмаслик керакки, ҳар қандай соғлом, бақувват, продали посбон жанговар қурооллардан фойдалана олгани билмас, фақатгина жисмоний куч билан ғалабага эришиши дарғумон. Шунининч билан айтиш мумкинки, жан-

говар қурооллардан фойдалана олиш илмини билиш, билганда ҳам мукамал билиш ва уларни зарурат тугилганда маҳорат билан қўлдан олишлик посбонни ғалабага етаклайди.

Бугун биз терроризм, наркотики ва бошқа шунга ўхшаш бало-қазоларнинг шакл-шамойили турли хил, қиёфаси ўзгарувчан эканлигини яхши биламиз. Ушбу бало-қазо қандай шакл, қандай қиёфада бош кўтармасин, муносиб зарба олмоғи зарур. Бугуннинг Ватан ҳимоячиси ана ўшаларга муносиб зарба беришга ҳар доим тайёр турмоғи шарт. Бу тайёр-

гарлик, бошқача айтидиган бўлсак, муносиблик — жанговар шайликдир. Жанговар шайлик барча тайёргарликлар бўйича ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотларнинг ҳосиласи сифатида тугилади.

Соғлом, бақувват, жанговар шай ва маънавий етук посбонни енгиб бўлмайди. У ким учун, нима учун хизмат қилаётганини яхши билади, Ватан, бу — ота-она, қариндош-уруғдир. Ватан, бу — маҳалладир. Ватан бу — мустақил Ўзбекистондир. Ватанини юрагига жо қилган посбон — ҳақиқий Ватан ҳимоячиси.

— Мен, — дейди бухоролик оддий аскар Одил Раҳимов, — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини қўли билан ўқиб чиқдим. Юртбошимиз, аввало Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини байрам билан қизғин табриқлаган, кейин эса армиямиз олдида турган вазифаларни кўрсатиб берган. Энг қувончли томоғи шуки, Ватан ҳимоячиларига катта ғамхўрлик билдирган. Биз ана шу ишончга муносиб бўлишимиз керак.

— Президентимизнинг байрам табригини қайта ўқиган сари янги маъно, янги мазмун чиқаради, — дейди жинзаҳлик шартнома бўйича

хизмат сержанти Асқар Зокиров. — Биз табрикнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир бағичига риоя қилиб, хизмат қилишимиз керак. У биз учун дастуруламалдир.

Биз олдимизга профессионал армия тузишни мақсад қилиб қўйганмиз. Ушбу мақсадимизга эришадиган кунимиз узоқ эмас.

— Президентимиз, ҳукуматимиз, халқимиз, — дейди лейтенант Юсуфқон Шукуров, — биз Ватан ҳимоячиларига катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Биз ушбу ғамхўрликларга жавобан Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва масъулиятли номга муносиб бўлишимиз керак.

Майор А. ОБРАЗОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ОРЗУЛАРИ ЮКСАК ГАЛИНА

Нисон бэрки, Ёшлиқдан бирон-бир касбни эгаллашга, ўзи севиб танлаган, сийқидилдан ихлос қўйган соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишга интилади. Ўз орзусини амалга ошириш учун ҳаракат қилади.

Ҳарбий хизматчи бўлишнинг ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган 19 ёшли Галина ҳарбий қисмга дастлаб ҳисобчи бўлиб ишга кирди. Ўз вазифасини аъло бажариш билан бирга ҳарбийларнинг тартиб-қондалари, қатъий интизомни, чидам-бардошни, тезкор ҳаракатларига эътибор бериб, ўрганиб ўзига сингдириб борди. Ундаги интилим, масъулиятни чуқур ҳис қилиш, қатъиятнинг кўрган қисм раҳбарияти шартнома бўйича хизмат қилишга ариза берган Галинани қўллаб-қувватлади. Ниҳоят, 1999 йилда ҳарбий хизматчилар сафига қабул қилинган шартнома бўйича хизмат сержанти Галина Сичкова махфий бўлмаган ҳужжатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсата бошлади.

Ҳарбийлик ҳаракатда ҳам, ҳужжатлар билан ишлашда ҳам аниқлик ва тезкорлик талаб қиладиган касб. Қаҳрамонимиз бунинг уйдасидан чиқаяпти, албатта. Хизмати давомида фақат Раҳматномалар олишга ҳаракат қилади. Ҳозирда шартнома бўйича хизмат сержанти Галина Сичкова қисм кадрлар бўлими иш юритувчиси. Ҳарбий қисм кадрлар бўлими бошлиғи капитан Хушнуддин Муҳитдинов: — Галина яқинда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди, — деди. Бундай мукофотга эришиш учун ўз касбига ўта фидойи бўлиш керак. Бу хусусият Галинада борлиги сабаб, у қисқа фурсат ичида ўз ўрнига эга бўлиб улгурди.

Галина билан суҳбатлашган соҳага ўзгача меҳр қўйган қатъиятли ва продали бу нисоннинг Қуролли Кучларимиз 10 йиллигига берилган эсдалик нишонига чиндан-да муносиб эканлигини ҳис қилдим. Саволларимга очиқ чехра билан жиламайиб жавоб бераётган Галинага қараб ўйлайман: аёл-аёлда, унинг жиламайиб латофтли чехрасининг ўзи тинчлик сўзидек латиф. Шоир айтганидек, бу гўзаллик дунёни сақлашга қодир. Келажакнинг ўзинг каби гўзал, орзуларингдек юксак бўлсин, Галина!

З. ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

Ёш аскар Зоҳид Эргашев қишқи ўқув мавсумини қўриқлаш взводида бошлади. Яъни, ёш аскарлар ўқув йағини тугагач, хизматини мазкур жамоада давом эттиришга тўғри келди. Очиги, оддий аскар Эргашев биринчи бора қоровуллик нарядига тушганида ҳаяжонланди. Гарчи бунгача кўп бор соқчининг вазифалари тушунирилган бўлса-да, қоровул бошлиғи вазифаларини бир-бир такрорлади:

«...Аввало постларнинг жойлашув схемасида қўйилган бўлади: пост чегараси, тақиқланган зоналар, чегаралар, тўсиқ турлари, техник қўриқлаш қурооллари билан жиҳозланган объектлар, навбатчиларнинг поста бориш ва патрулларнинг транспорт воситаларида юриш йўналиши, тушунарлими? Энди постлар рақамига кел-

И кога за очередным поворотом вдруг оказался спуск в расположение горного учебного центра, все облегченно вздохнули — мы у цели.

А в палаточном городке, где разместились на полевым выходе горнострелковый взвод лейтенанта Бахтияра Ходжаева, царил оживление — после завтрака личный состав получал боеприпасы и готовился убраться на стрельбище.

Согласно расписанию занятия по огневой подготовке была намечена тема «Приемы и способы ведения огня в условиях ограниченной видимости». Однако это вовсе не означало того, что войны немедленно приступят к ее практической отработке: первым занятием значилось определение позиций боевой группы и ее места в опорном пункте взвода.

Расположившись в наблюдательном пункте, командир взвода оценивает действия подчиненных. Первой заняла свои позиции группа старшего лейтенанта Анвара Шавкиева, а следом за ней и группа лейтенанта Аваза Аминова.

Условия ограниченной видимости, создаваемые туманом, дождем, снегом, да и просто ночной темнотой, требуют от горных стрелков максимальной собранности не только при ведении огня, но и при выдвижении к огневому рубежу. Поэтому командир взвода предельно придирчив и строг — раз за разом воины возвращаются к исходному рубежу, если хотя бы один из них нарушает правила маскировки. Мушкетерское правило «один за всех, все за одного» и здесь действует строго — в реальном бою любая оплошность может привести к срыву операции.

Наконец в вязком молоке тумана глухо слышатся звуки автоматных и пулеметных очередей, сухие щелчки снайперских выстрелов. Трудно определить да-

УЛАРДАН УРНАК ОЛИШАДИ

Посбон ютуқларининг сири

сак, ҳар бир пост нимани қўриқлаши, ҳимоя қилиши кераклиги, соқчининг постада хизмат қилиш вақтида маълум шароитдан келиб чиқадиган муҳим мажбуриятлари ва алоқа воситалари орқали ахборот бериб туриш, чет кишиларни ўзига яқинлаштириши мумкин бўлмаган масофа ўлчови, поста, қўшни постага ҳужум бўлганда ёни постада ёнгини чиққанда соқчи бажариши лозим бўлган ишлар, қандай шароитда қурол ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган бўлади.

Тўғри, бу вазифаларнинг бари ҳам хотирада мустаҳкам муҳрланмаслиги мумкин. Бироқ, бир-икки бора

амалда уларни қўлаганингиздан кейин, яхшилаб ўрганиб оласиз. Зоҳидда ҳам шундай бўлди. Ҳатто қишқи ўқув мавсумидаги дастлабки юксак натижа ҳам айнан қоровуллик хизматида ўташ билан боғлиқ бўлгани посбонда кўнникма шаклланаётганини кўрсатади.

— Оддий аскар Эргашев ғайратли, шижоатли, уқувли посбонлардан. Жанговар топшириқларни бекаму кўет бажаришга ҳаракат қилади. Мавсум бошида саф тайёргарликлари борасида кўнникмаларни тез эгаллаб олди. Мусобақа бўйича олган мажбуриятини удалаш учун тиришқоқлик билан ҳара-

кат қилмоқда. Агар хизматини шундай суръатда давом эттирсак, мавсум охиригача у жамоамиз аълочиларидан бирига айланади. — деди бўлими командири кичик сержант Умид Ҳиматов.

Биз Зоҳид билан суҳбатлашиб, фаолиятини кузатиб, унинг ютуқлари сирларини изладик. Очиги бунда ғайритабiiий жиҳатларни толмадик. Бунинг барчаси Умумҳарбий низомларни пухта ўрганиш, унга қатъий амал қилиш, интизомни мустаҳкамлаш каби қатор омиллар билан боғлиқ экан.

Клпитан А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ЭКЗАМЕН НА ГОРНОГО СТРЕЛКА

«Узкая лента дороги то петляет между скал, то вырывается на простор предгорий. Трясаясь на борту «Урала», мы наблюдаем за тем, как рассвет словно ото-

гнул края хлопающего на ветру брезентового тента и обнажил верхушки темнеющих склонов. Стелющийся в горах туман усиливал неприятное ощущение холода.



же направление стрельбы, но начальник горного учебного центра старший лейтенант Рустам Газиев безошибочно ставит оценки. Вскоре узнаем имена отличившихся — пулеметчика рядового Абдулазиза Саидова, снайпера рядового Олима Дустановорова, стрелка рядового Ойбека Эшпулатова.

Близко к завершению стрельб туман постепенно рассеивается, под напором солнечных лучей воздух становится теплее. Но для горных стрелков наступает

пора новых испытаний — на занятии по тактической подготовке они отрабатывают действия боевой группы в оборонительном бою.

Окопаться легко на равнине, а попробуй сделать это быстро и умело в горах! Рядовому Икболу Кадырову это удалось лучше всех. А вскоре густые заросли вечнозеленого арчовника надежно укрыли в своих недрах всю группу. Можно пройти буквально в полуметре от них по тропе — и никого не увидеть. Однако

если по ней пойдет враг — «зеленка» мгновенно огрызается потоком свинцового града.

«Спускайся вниз, к лагерю, прислушиваясь к гудению натруженных ног, подумалось — да, нелегко сдать экзамен на горного стрелка!

Майор А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

На снимке: спецназ на горной тропе.

Фото Н. ЮСУПОВА.

ПОНЕДЕЛЬНИК, 25.02

8.00 Про рама мультфильмов. 8.30 Все это без тебя. 8.55 Фильм «Получи».

ВТОРНИК, 26.02

8.00, 14.05 Мультсериал «Симба-футбол». 8.25, 20.25 «Я вас люблю».

21.30, 5.50 «Суббота, воскресенье, понедельник».

8.00, 14.05 Мультсериал «Симба-футбол». 8.25, 20.25 «Неизвестная Россия».

СРЕДА, 27.02

8.00, 14.05 Мультсериал «Симба-футбол». 8.25, 20.25 «Неизвестная Россия».

ЧЕТВЕРГ, 28.02

8.00 Профилактика на телеканале «АСТ» с 8.00 до 20.00.

00.40 «Человек и море».

8.00, 14.05 Мультсериал «Симба-футбол». 8.25, 20.25 ГТРК «Владимир» представляет...

ПЯТНИЦА, 1.03

8.00, 14.05 Мультсериал «Симба-футбол». 8.25, 20.25 ГТРК «Владимир» представляет...

СУББОТА, 2.03

8.00 Программа мультфильмов. 8.25 «Молодые дарования».

14.55 «Старые знакомые».

15.20 Фильм «Завтрашнее тушеное мясо».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 3.03

8.00 Программа мультфильмов. 8.25 «Страна Фестивали».

25 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Ташлином».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.25 «Хунардан унар».

18.45 Вечерние мелочи. 19.00, 22.00, 23.50 «Дар».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

6.45 «Кодовое и звание «Южный гром»».

8.00, 10.00 «Новая волна».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.30 «Взрослая жизнь».

18.30, 1.00 Канал КНП. 18.50 Прямая «Х».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

18.20 Вечерние мелочи.

18.00 «Она хит». 18.45 Счастливая лодка. 18.50 Канал КНП.

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

17.05 Вести.

17.20 «Два роля». 18.05 «Сегодня в мире».

26 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.35 Обзор газет
8.50 «Узбекистелерадио» представляет...

18.45, 21.50 Золотое наследие
19.30 Экономика-ньюс
19.35 «Давр»-интервью
19.50 «Диз о юрми наволарин»

17.20 «Санта-Барбара»
18.00 «Джуманджид»
18.30, 20.00, 21.20, 22.05 «Пойтахт»
18.45 «Селеста, всегда Селеста»

18.30, 1.00 Канал НР
18.50 С благодарностью госпоже Любе
20.30 «Взять живым или мертвым»

3 МАРТА
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «Камалак»
9.15 «Гаройн-бот»

19.25 Поет народный артист Узбекистана М. Тухтасинов
19.40 Семья тилишим
21.05 «Онажоним»

6.45 «Пешни Длинный чулок»
8.00, 10.00 Но-восты
8.10 Служу Ро-ссии!

19.00 «Двое под одним зон-том»
21.00 «Звукорегиссер»
22.55 Секреты допотопия
23.00 «Птица»

9.00, 19.00 «Давр»
9.15 Почта «Нового поколения»
9.45, 17.00 «Сказки братьев Гримм»

9.05, 17.45, 20.35 «Теле-хамкор»
9.30, 14.15 Детский час
10.25 «Мурашки»
10.50 «Очевидец»

4.30, 5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести
5.50, 6.50, 7.50, 8.50 Вести-Москва

8.00 «Настроение»
10.50 Газетный дождь
11.05 «Однажды у нас вырастут крылья»

8.00 «Давр»
9.00, 16.50 Студия «Новое поколение»
9.20 Мультифильм
9.35 Футбол плюс

9.05, 11.30, 17.45, 20.30 «Теле-хамкор»
9.30 «Питер Пен»
10.00 Фильм «Волшебная лампа Аладдина»

10.00 «Жизнь в слове»
10.30 «Прикосновения»
11.30, 17.00 «Ключи от неба»

10.00 «Отчего, почему?»
11.00, 17.25 Мультифильм
11.45 «Полевая почта»

12.20 Нам сад
12.35 Лаконный кусочек
13.00 Московская неделя

ХАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● ТЕСТ

ОДОБЛИМИСИЗ?

Хушмуомала, ҳоҷатбарор, баодоб инсонлар ҳаминча ҳурмат ва иззатда. Сиз одобли кишиларга ҳос ҳислатларнинг ўзингизда қанчалик жамулкам эканини билишни истайсизми? Башарти шундай ҳоҳингиз бўлса, қуйидаги вазиятда қандай иш тутган бўлар эдингиз? Самиинит билан уч жавобдан бирини таплаган:

1. Айтмайсиз, дўстингиз сизга иш-муҳаббат ёхуд никоҳи барбод бўганидан сўз очди. Сиз:

а) ўзи нима бўлди, деб сўрайсиз — 3;

б) мен бунга аралашмоқчи эмасман, дейсиз — 0;

в) дўстингизнинг ҳамма гапини берилиб тинглайсиз — 10.

2. Кўпдан бери кўрмаган дўстингизни кўриб қолдингиз. Сизга у семириб кетгандек туюлди. Сиз:

а) дўстим, роса семирибсан, дейсиз — 0;

б) дўстим, кўришингиз яхши, тўлишибсан, дейсиз — 0;

в) ҳеч нарса айтмайсиз — 10.

3. Қўшингиз сизга арзонга яқин нарса харид қилганини айтди. Башарти, шу нарсани бошқа ердан янада арзонроққа олиш мумкинлигини билсангиз, қўшингизга нима деган бўлар эдингиз:

а) қўшни, янглишибсиз — 0;

б) бошқа дўноларин ҳам кўздан кечиришни маслаҳат берасиз — 3;

в) сизнингча буюм ўринли эмас, аммо бу тўғрида қўшингизга ҳеч гап айтмайсиз — 10.

4. Ҳордиқ чиқариш учун ҳаммасларингиз билан шаҳар ташқарисига сайилга чиқдингиз. Ҳамроҳларингиздан бири уйдан пул олишни унутибди. Сизнинг муносабатингиз?

а) ташвиш чекманг, сиз учун пулни мен тўлайман, дейсиз — 0;

б) лом-ним демайсиз — 3;

в) ҳеч кимга эшиттирмай охирагина; — Азият чекманг, менда пул бор, никимизга ҳам етади, дейсиз — 10.

5. Ишга жойлашмоқ учун суҳбатдан ўтишингиз лозим. Ишга олаётган шахснинг эскиликка мойиллиги сизга маълум. Сиз:

а) суҳбатга модалдан чиққан беавлат костюм кийиб келасиз — 3;

б) ўзингиз қулай ва ўринли ҳисоблаган кийимда келасиз — 0;

в) ишда кийиш учун мўлжалланган замонавий костюм кийиб келасиз — 10.

6. Сизни зиёфатга таклиф қилишди. Иккинчи таомдан қўнглингиз тўлмади. Таом бемаза туюлди. Сиз:

а) таомни бир четга суриб қўясиз — 0;

б) мен парҳездаман, дейсиз — 3;

в) гап устида таомдан озмоз тортишиб турасиз — 10.

50—60 балл. Сиз одамлар билан тезда тил топишиб кетасиз, бошқаларга жонқуярлик билан муомалада бўлишингиз тўғрисида сизни деярли ҳеч ким ранжитмайди.

30—49 балл. Умуман олганда сиз дилган ва софдил одамсиз. Лекин баъзан бегараз одамларни ранжитиб ҳам қўясиз.

0—29 балл. Бошқаларнинг ҳоли нима кечаётганлиги билан қизиқмайсиз, бунга лоқайдсиз.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Жаҳонга машҳур қўшиқчи Лайза Минелли 55 ёшга тўлган бўлишига қарамай, турмушга чиқишга қарор қилди. Бу сафар (тўртинчи) Дэвид Гест билан бир ёшнинг бош қўйишга қарор қилди.

Дэвид Гест АҚШ шоу-бизнесида катта обрўга эга. Айнан у Майкл Жексоннинг ўттиз ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган концертнинг асосий таъкилотчиси бўлган.

Лайза Минелли ўз ҳаёти давомида уч маротаба турмуш қурган. Унинг биринчи

турмуш ўртоғи австралиялик қўшиқчи Питер Аллен бўлган. Улар 1967 йилда турмуш қуришган ва орадан етти йил ўтгач, ажрашган эди. Орадан кўп ўтмай Лайза хоним Жек Хейли исмли кинопродюссерга кўнгли қўйди. Бироқ, беш йилдан сўнг у билан ҳам хайрлашганига мажбур бўлган. Ўзининг учинчи муҳаббати — Марк Торо исмли ҳайкалтарош билан Лайза ўн уч йил бахтли турмуш кечирган. Бироқ 1992 йили никонлон ажралишига мажбур бўлган эди.

БМТ ҲАҚИДА ЎЗБЕКЧА КИТОБ

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ўзбек тилида чоп этилган «Вирлашган Миллатлар ташкилоти. Асосий омидлар» маълумотномасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шунинг таъкидлаш лозимки, мазкур китоб француз, инглиз, испан, ҳинд, рус, япон, грек, португал тилларида чоп этилган. Мана энди кенг жамоатчилик унинг ўзбек тилидаги нашридан ҳам баҳраманд бўлади. Бу эзгу ишнинг ташаббускори БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

Халқаро нуфузли ташкилот ҳақидаги энг муҳим маълумотларни ўзида жамлаган мазкур китоб борасида тўхталишдан олдин БМТ ҳақида ҳозиргача мавжуд бўлган ўзбекча нашрларни ҳам санаб ўтсак: «БМТ юр-

тида», «БМТни биласизми?» сингари рисоалар шу пайтгача ўзбек тилида нашр қилиниб, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган.

БМТнинг Ижтимоий аҳборот департаменти томонидан тайёрланган 400 га яқин бетдан иборат «Вирлашган Миллатлар ташкилоти, Асосий омидлар» китоби эса юқорида саналган рисоалардан фарқли равишда кенг қамровли ва кўп қирралидир. Дейлик, унда халқаро тинчлик, хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқларига бағишланган алоҳида боблар бўлиб, бу — халқаро ташкилот фаолияти-ни яқиндан билиб олишга имкон яратади.

Тақдимот маросимида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Кон-

рой иштирок этиб, китобнинг кенг жамоатчиликни ташкилот билан таништиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Фахр таълими, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Парзулла Йўраев, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддиновлар иштирок этишиб, китобнинг аҳамияти хусусида тўхталишди.

Тўрт минг нусхада чоп этилган ушбу китобнинг икки минг донаси Халқ таълими вазирига топширилган. Бу эса мактаб ва бошқа ўқув муассасаларининг ҳам мазкур китоб киб-риб боради, деганидир.

Капитан А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● МАШҲУР КИШИЛАР ҲАҚИДА

ФОЙДА ҚИЛМАДИ

Бир кун дўхтир ҳузурига мижозлардан бири келиб, иштаҳаси йўқлиги, ваҳима, тушқулик бетиним таъқиб қилаётгани ҳақида шикоят қилибди. Маълум бўлишича, у жамини дори-дармон, чора-тадбирларни қўллаб кўрибди — фойдаси бўлмабди.

Дўхтир беморни диққат билан текшириб кўргач, сўнгги пажот сифатида кунига Михаил Зощенконинг учтадан ҳикоясини ноушуга, тушлик ва кечки таомдан сўнг ўқишни буюрбди.

Қатагон маҳали Зощенко асарлари ман қилинганини эслатган дўхтир азбаройи мижозининг шифо топишини истагани учун қалтис иш бўлса-да, ўз кутубхонасидан ўша буюрилган китобларни топиб беражагини айтди.

— Афсус, — дейди мижоз оғир ҳўрсиниб, — менга бу нарса фойда қилмади. Уша сиз айтган Зощенко менман.

БОР БУЛСИН МУХЛИСЛАР

Тиш дўхтири машҳур артист Жан Габенинг тишини сугуриб олибди. Орадан бир неча кун ўтгач, артист дўхтирдан шундай хат олибди: «Олинган тишингизни бир мухлисингизга сотдим, у тумор қилиб тақиб юрибди. Хизмат ҳақини ўша пулдан ушлаб қолдим, қайтимини юбораялман».

Ш. ОТАБЕК тайёрлаган.

ПРОДАЮ:

- ◆ Холод., мороз, Т.: 90-99-29.
- ◆ Компьютер с Интернетом, Т.: 182-29-58, 58-01-11.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 19 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга инебатан қуйидаги қийматини белгилади:

- 1 АҚШ доллари 693,17
- 1 Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Мириқиб ҳордиқ чиқаришди

Офицерлар марказий саройида турли кўнгилочар томошалар, б.йрам тадбирларининг тез-тез ўтказиб турилиши аъъанана айланган. Шунинг учун ҳам офицерлар, курсантлар, аскарлар дам олиш кунлари бу ерда бўладиган тадбирларни орзиқиб кутишди.

Ушбу маданият даргоҳида Тошкент гарнизони ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъъолари яна мириқиб ҳордиқ чиқаришди. «Фаёд» гуруҳи, таъкиди эстрада хонадалари Исроил Сандуларов, Ольга Сезова ва бошқалар тайёрлаб келишган махсус концерт дастури, айниқса «Мирза» театри актёри қизқичи Шукрул-

ло Исроиллов ижросидаги ичақузди хангомалар, қўшиқчиларга пародиалар ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Каттаюкичи санъаткорларнинг ҳар бир чиқишларини гулдурас қарсақлар билан олдишладилар.

Томошалар сўнггида мухлислар кўнглини ҳордиқ учун санъаткорларга, аскар ва офицерлар тақлиф ва мулоҳазалари асосида хилма хил маданий тадбирларни ташкиллаштиришга бошқош бўлаётган Мудофаа вазирига Маданий-маърифий хизмати ходимларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Капитан Н. АЗИМОВ.

● ТУРФА ОЛАМ

ЭГИЗАКЛАР ҚИШЛОҒИ

Эгизак фарзанд кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Лекин Хитойдаги чекка шаҳар бўлмиш Хунанга яқин жойда жойлашган Багжоу қишлоғида яшовчи кўпчилик аёллар неча авлоддан буён эгизак туғишлари билан машҳур. «Эгизаклар қишлоғи» деб аталувчи бу қишлоқда 427 та

онла яшайди. Қишлоқдаги энг кекса эгизаклар 61 ёшли Шу Сволан ва Шу Сводир. Энг кичиклари эса эндигина 2 ёшга кирдилар. Шу Своланнинг айтишича, унинг ҳоласи ҳам эгизак фарзандлар кўрган, хотинининг онласида эса уч авлоддан буён фақат қўшалоқ фарзанд туғилади.

● ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Қинғир ишнинг қийиғи

...Абдуллабой ўнқир-чўнқир йўллардан «ГАЗ-33021» машинасини тезлатиб борар экан, бу гал ишим бароридан келсин-да, деб қўйди. Ахир, мўмай даромад топишининг ўзи бўладими? Бу ҳуфя йўллардан юрак ҳовучлаб ўтгунча қанча тер тўкишга тўғри келади.


Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида истиқомат қилувчи Абдуллабой Тўраев ҳар гал Туркменистонга отланаркан, юртимиздан инебатан арзон истеъмол молларини яқиндаги харид қилган автоуловига юклайди-да, ўзи «кашф этган» айланма йўллар орқали қўшни давлатга равона бўлади. Қайтишда ҳам ҳар ҳолда қуруқ келмайди.

Кўнгли сезган экан чоғи, у туманининг қўшни мамлакатга туташ «Қиличбой» жамоа хўжалиги ҳудудида божхона ходимлари ва чегара қўшинлари вакиллари-га дуч келди. Оқибатда унинг салкам 1,5 миллион сўмлик спиртли ичимлик ҳамда 600 килограммдан кўпроқ қандолат маҳсулот-

ларини яширинча олиб ўтишига чек қўйилди. Боз устига, қонунбузарнинг бошқа бир қилмиши ҳам фоти бўлди. У ҳайдаб бораётган машина туркменистонлик Х. Нуманиёвга тегишли бўлиб чиқди. А. Тўраев машинани ўтган йил сотиб олган ва эгаллик ҳуқуқини берувчи бирор ҳужжатни расмийлаштирмасдан фойдаланиб юрган экан.

Жиззах вилоятининг «Гагарин» божхона маскани ҳамда ички ишлар ходимлари ҳамкорлида яна бир жиноятни очди. Мирзачўл тумани «Янги дала» ширкатлар бирлашмаси ҳудудида Н. Оринобоев ҳайдаб бораётган «МТЗ-80» тракторга тиркалган иккита телеккага салкам 5 тонна чигитла пахта ортилган экан. Натижанда пахта айни қийғос очилган паллада Оринобоев онла аъъолари билан терган ҳосил молхонада яшириб қўйгани, айни вақтда эса четга сотиш мақсадида олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Б. НОРБОЕВ,
ЎЗА мухбири.



Қадрдонларимиз Беҳзоджон ва Шаҳзоджон! Сизларни таваллуд кунингиз билан чин қалбимиздан му-боракбод этамиз. Сизларга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Бахтимизга ҳаминча омон бўлинглар. Қалбингизни аъло кайфият, ота-онага меҳр-муҳаббат тарқ этмасин, асло. Эл-юртнинг ҳурматига сазовор инсон бўлиб етишингизни Оллоҳдан сўраймиз, деб

Дадагиз Равшан, Ойингиз Хуснияҳон ва опангиз Нилуфархон.

КУПЛЮ:

- ◆ Холод., мороз., БК, шв. маш., оверл., газ. пл., ТВ. Т.: 90-73-29.
- ◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., велосипед, стир. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

- ◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.
- ◆ Офицерскую папаху. Т.: 68-49-19.
- ◆ Старые значки, монеты, марки, открытки. Т.: 68-49-19.
- ◆ Любый компьютер по хорошей цене. Т.: 182-29-58, 58-01-11.

Олимпиада кундалиги

Солт-Лейк-Ситида ўтаётган қишқик Олимпиада ўйинларининг ўнинчи кунги баҳсларида немис спортчилари 120 метрли трамплиндан сакраш бўйича жамоавий мусобақа ва аёллар ўртасида биатлон эстафетасида ўз мамлакатига иккита олтин медаль келтирди. Шу куннинг акробатика беллашувларида австралиялик фристайлчи Алиса Кэмпбелл олтин медалга сазовор бўлди. Муз устида рақс тушиш бўйича франциялик жуфтлик Марина Анисина ва Глендал Пейзерага тенг келадигани топилмади.

Медаль жамғариш борасида Германия вакиллари пешқадамлик қилмоқда. Ҳозирча уларнинг ҳисобида саккизта олтин, ўн та кумуш ва олти та бронза медали бор. Норвегия терма жамоаси эса саккизта олтин ва олти та кумуш медаль тўплаб, тўртта олтин, еттитадан кумуш ҳамда бронза медалга сазовор бўлган америкаликларни ортда қолдирди ва иккинчи погондан мустақам ўрин эгаллади.

Қишқик Олимпиадада иссиқ ўлкалардан келадиган ва эндигина ўйинларга қўшилиётган мамлакатларнинг спортчилари кўрсатилган натижалар кўпчилида қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, илк бор қишқик Олимпиадада қатнашаётган непаллик спортчи Жайрам Хадка ҳам мухлислар эътиборига тушди. У ўн километр масофага классик усулда ўтказилган чанги пойғаларида биттагина спортчини ортда қолдириб, маррага 89-натижа билан кириб келди. — Вошланиши ёмон эмас, — дейди ўзи кўрсатган натижа ҳақида гапирар экан Ж. Хадка. — Энди навбат спринт баҳсларига.

Қишқик Олимпиада ўйинларида хоккей бўйича чорак финалга йўлланма олган саккиз жамоа номи маълум

бўлди. «Нагано-98» финалида ўзаро тўқнаш келган Россия ва Чехия хоккейчилари кўпчилик кутганидек, сўнгги учрашувда эмас, балки бир оз аввалроқ — чорак финал баҳсидаёқ бир-бирига рўбарў бўлмоқда. Анча кучли ҳисобланган Швеция жамоаси эса кейинги босқичга чиқиш учун Беларус терма жамоаси қаршилигини енгиши лозим. Шунингдек, майдон эгалари — АҚШ терма жамоаси германияликлар билан куч сынашса, Финляндия Канадага қарши уйнайди.

Солт-Лейк-Ситидаги қишқик Олимпиада ўйинларининг ўн биринчи кунда бешта мусобақа ўтказилди. Чанги пойғасида 1,5 километр масофага бўлиб ўтган спринт баҳсларида эркаклар ўртасида норвегиялик Тор Арне Хетланд галаба қозонган бўлса, аёллар орасида россиялик Юлия Чепаловага тенг келадигани топилмади. Шунингдек, акробатика бўйича чехиялик фристайлчи Алеш Валента, америкалик бобслейчилар — Жилл Бакен ва Вонетта Флауэрз жуфтлиги ҳам ўз терма жамоасига олтин медаль келтирди. Қонькида 1500 метр масофага ўтказилган беллашувда АҚШ вакили Дерек Парра олимпиада олтин медални қўлга киритиш билан бирга, жаҳон рекордини ўрнатишга ҳам муваффақ бўлди.

Медаль жамғариш бўйича Норвегия жами тўққизта олтин, олти та кумуш ва иккита бронза медали билан Германиядан ўзиб кетди. Немисларда эса саккизта олтин, ўн учта кумуш ва еттита бронза медали бор. Олимпиада мезбонлари олти та олтин, саккизта кумуш ва еттита бронза медали билан учинчи погонани банд этиб турибди.

3. ТОШКУЖАЕВ.
(ЎзА).

ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

3 марта в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске авторы передачи подготовят репортажи о ходе боевой учебы воинов-узбекстанцев, проходящих службу в Восточном военном округе. Во второй части выпуска вы увидите сюжеты о жизни курсантов Чирчикского ВТКИУ. В выпуске также будут подготовлены материалы в цикле постоянных рубрик передачи.

Повтор этого выпуска состоится во вторник, 5 марта, в 16.55.


Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 20

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Барсуқ. 3. «Колумб». 7. Леопард. 8. Болъ. 10. Икар. 12. Конок. 14. Космы. 15. Ольга. 19. Рельс. 20. Рыло. 22. Аура. 23. Фермент. 24. Аяла. 25. Суслик.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Ватан. 2. Соль. 4. Леда. 5. Ватрак. 6. Шпана. 9. Ледокол. 11. Кенгуру. 12. Комар. 13. Колос. 16. Сурьма. 17. Племя. 18. Старик. 21. Офис. 22. «Атас».

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Вещество, придающее тот или иной цвет предметам. 4. Отгиск с части печатного набора. 10. Жизнь вдали от близких. 11. Птица с черным оперением. 13. И мера земли в Древней Руси, и сельскохозяйственное орудие. 14. Экспорт по своей сути. 16. Полоса материи, пришитая сборками на платье. 17. Настольная игра. 18. Строфа песни. 19. Наемный сельскохозяйственный работник в кулацком хозяйстве. 23. Состояние крайне затрудненного дыхания. 24. Самая знаменитая рабыня. 25. Болотная птица. 26. Последовательное повторение одной музыкальной темы несколькими голосами. 28. Большой металлический сосуд для замешивания теста на хлебозаводах. 30. Деталь автомобиля. 32. Кол-

пак лампы. 33. Стиль архитектуры.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Оконный переплет. 3. Пищевой продукт. 5. Народ в Того. 6. Муза, покровительница истории. 7. Исполнитель песни про барсука по паспорту. 8. Небольшая птица из отряда воробьиных. 9. Материал для архитектурных и скульптурных работ. 12. Род клопа, опасного вредителя злаков. 13. Областной центр Узбекистана. 14. Квашеное топлёное молоко. 15. ... желая (воинское приветствие). 20. Имя узбекской поэтессы. 21. Старинное название народности саами. 22. Математическое упражнение. 27. Отличительный знак государства. 29. Мужская причёска. 30. Глава республики в средневековой Венеции и Генуе. 31. Крупное морское млекопитающее.

Составила Д. ВАЛИЕВА.

ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

ОВНАМ, возможно, предстоит отправиться в дальнюю поездку. Это может быть длительная командировка за рубеж, либо же поездка на встречу с коллегами и партнерами, работающими не в ваших краях. Обратите внимание на собственное здоровье — на нем могут сказаться длительные перелеты. Удачные дни — вторник и среда.

Большой успех обещают **ТЕЛЦАМ** коммерческие начинания. С необычайной легкостью сможете найти общий язык с деловыми партнерами, а заключенные с ними контракты станут весьма прибыльными. Небольшое непонимание может возникнуть в общении с любимыми, но до конфликта дело не дойдет. Удачный день — среда.

БЛИЗНЕЦАМ, по всей вероятности, придется заняться поиском новых источников дохода и пересмотром финансовых планов на будущее, чтобы сохранить материальное благополучие. Не стоит из-за этого впадать в уныние, поскольку звезды считают, что вы сможете неплохо преуспеть на коммерческом поприще. Благоприятные дни — понедельник и суббота.

Занятые на госслужбе **РАКИ** получат заслуженную похвалу со стороны руководства, которое оценит вашу серьезность, собранность и дисциплинированность. Коммерсантам было бы неплохо совершить давно задуманную сделку с партнерами из зарубежных стран — ее успех звезды вам гарантируют. Удачные дни — вторник и среда.

Представителям знака **ЛЬВА** будет неизменно сопутствовать финансовая удача. Вам удастся найти надежных партнеров и создать крепкие деловые союзы. Неделя благоприятна для заключения выгодных сделок, все проекты будут быстро развиваться, поэтому не упускайте это денежное время. Удачные дни — пятница и воскресенье.

ДЕВАМ неделя несет позитивные тенденции во всех сферах деятельности. Вы можете смело заняться реализацией всех давно вынашиваемых планов. Поддержку в решении различных вопросов окажут близкие люди и коллеги по работе. С их помощью вы сможете осуществить абсолютно все задуманное. Удачные дни — четверг и пятница.

ВЕСЫ смогут реализовать все свои замыслы, если почувствуют

себя ответственным и всесильным хозяином положения. Не стоит слишком увлекаться, иначе излишнее упрямство и стремление доминировать может привести к конфликтам с окружающими, что в данный момент весьма неблагоприятно. Удачный день — вторник.

Напряженная неделя ожидает **СКОРПИОНОВ**. В первую очередь это касается профессиональной сферы. Поиски нового места работы или попытки улучшить свое служебное положение окажутся пока безрезультатными. Отложите эти идеи на более поздний срок. Бизнесменам этого знака противопоказан всякий риск. Удачный день — среда.

СТРЕЛЬЦАМ удастся значительно увеличить свой багаж деловых связей за счет родственников, которые познакомят вас с полезными и влиятельными людьми. Отнеситесь с большим вниманием к этим контактам, поскольку в будущем благодаря им сможете добиться внушительных успехов на профессиональном поприще. Удачные дни — пятница и воскресенье.

КОЗЕРОГАМ астролог рекомендует посвятить себя восстановлению и укреплению деловых от-

ношений и союзов. В то же время на работе не нужно ставить перед собой глобальных задач, поскольку вас здесь поджидает обман или разочарование. Следует приготовиться к неожиданным встречам с давними друзьями. Благоприятные дни — вторник и среда.

У ВОДОЛЕЕВ — прекрасный период для проявления активности в сфере профессиональной деятельности, творческих поисков. Вместе с этим, будьте осторожны, поскольку удача может отвернуться и дела пойдут наперекосяк. Готовьтесь принимать серьезные решения, чтобы избежать конфликта с кем-то из родственников. Удачные дни — четверг и пятница.

РЫБАМ стоит избегать встреч с начальством. Это обусловлено тем, что показатель взаимопонимания у вас сейчас находится на нуле, а несдержанность в словах может лишь усугубить ситуацию. Следует отметить и то, что вероятны обманы в партнерских отношениях и конфликты с близкими людьми. Благоприятный день — среда.

Следующий номер газеты выйдет завтра, 22 февраля.

Бош муҳаррир
ўринбосари
подполковник
Х. ЖУМАНАЗАРОВ

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель. Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050. Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 091.